


САНОАТ

2017 йилнинг январь–июнь ойларида республика саноат корхоналари томонидан 64991,1 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 2016 йилнинг тегишли даврига нисбатан 107,6 фоизни ташкил этди. ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жihatдан қайта жиҳозлаш натижасида меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 5,6 фоизга ошди.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш таркибида асосий улуш қайта ишлаш саноати корхоналарга ҳисасига тўғри келади – 80,1 фоиз (2016 йилнинг январь–июнига нисбатан ўсиш суръати 107,8 фоиз). Шу билан бирга, тоғ–кон саноати ва очик конларни ишлаш корхоналари улуши 10,3 фоизни (103,8 фоиз), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари улуши 8,9 фоизни (110,7 фоиз), сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш корхоналари улуши 0,7 фоизни (109,1 фоиз) ташкил қилди.

Хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб–қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган чора–тадбирлар натижасида кичик бизнеснинг саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 2016 йилнинг 1 ярим йиллигига нисбатан 6,0 фоизга ошди, кичик бизнеснинг умумий ишлаб чиқаришидаги улуши 43,7 фоизгача (ўтган йилнинг мос даврида 41,9 фоиз) ўсди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш



2017 йилнинг январь–июнида иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат

маҳсулотини ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:

	<i>Млрд.сўм</i>	<i>Ўсиш суръати, фоизда</i>
Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажми	64 991,1	107,6
Тоғ–кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	6 681,9	103,8
улардан:		
кўмир, лигнит, нефть ва табиий газ қазиб олиш	3 739,9	104,2
металл рудаларини қазиб олиш	2 195,0	101,6
тоғ–кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият	477,1	113,1
Ишлаб чиқариш саноати	52 055,3	107,8
ундан:		
озик–овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш	15 031,3	106,3
тўқимачилик маҳсулотлари, кийим ва тери маҳсулотларини ишлаб чиқариш	10 520,1	104,3
машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва ўрнатиш, автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ва бошқа тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	7 466,9	133,0
ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ва мебел ишлаб чиқариш	1 408,4	100,5
ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	560,8	126,7

	Млрд.сўм	Ўсиш суръати, фоизда
кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1 695,5	99,7
кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	5 406,2	95,7
асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратларини ишлаб чиқариш	774,8	118,8
бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	3 402,9	108,6
металлургия саноати	4 905,3	106,9
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	5 785,9	110,7
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	468,0	109,1
Истеъмол товарлари	26 921,9	110,0
шу жумладан		
озиқ-овқат	13 188,8	107,6
ноозиқ-овқат	13 733,1	112,3

Мамлакат ишлаб чиқарувчилари ўртасида кооперация алоқаларини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида 2017 йилнинг январь–июнь ойларида 3488,8 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 229,1 млн.АҚШ.доллари миқдорида маҳаллийлаштирилган маҳсулот экспорт қилинди, 1665 та янги иш ўрни яратилди.

**Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни
маҳаллийлаштириш дастурининг асосий кўрсаткичлари**

	<i>2016й. январь–июнь</i>	<i>2017й. январь–июнь</i>
Лойиҳалар сони	583	711
Корхоналар сони	284	308
Ишлаб чиқариш ҳажми, млрд.сўм	2 327,3	3 488,8
Экспортга қилинган маҳаллийлаштирилган маҳсулот ҳажми, млн АҚШ.долл	222,3	229,1
Яратилган янги иш ўринлари	667	1 665

Тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг рағбатлантирилиши ва турларининг кенгайтирилиши истеъмол товарларининг 2016 йил 1–ярим йиллигига нисбатан ўсишида акс этди (110,0 фоиз) ва умумий саноат ҳажмида 41,4 фоизни ташкил қилди (ўтган йилнинг мос даврида 40,6 фоиз).

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби

